

## ДЕВИАНТ ХУЛҚ - ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Равшанбекова Дилфузада Шерзод қизи*

*dilfuzaravshanbekova@gmail.com*

*Ўзбекистон Xалқаро Ислом Академияси*

*1-босқич магистранти*

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада инсонда учрайдиган девиант (оғма) хулқ-атвор, унинг психологик механизмлари, ҳамда уларни ҳаракатга келтирувчи омиллар тўғрисида фикр юритилинган. Шунинг билан бирга, оғма хулқ-атворни вужудга келиши ҳақидаги турли хил қараашлар ва ёндашувлар, кўплаб психолог ва социолог олимларнинг фикр-мулоҳазалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** девиант, стигма, экзистенционал, гуманистик, психодинамик, бихевиоризм, когнитив.

Инсон хулқ-атвори, психологик хусусиятлари билан боғлиқ масала инсониятни қадим замонлардан буён қизиқтириб келган. Бу соҳада изланиш олиб борган қўплаб олимлар инсоннинг туғилганидан бошлаб шаклланиши билан боғлиқ барча ҳодисаларни ўрганишни тадқиқ қилиш орқали унинг ўта мураккаб жиҳатларини кашф этган. Инсон хулқ-атворининг жамиятда белгиланган ҳаётий нормал мезонлардан оғиши, бузилиши билан боғлиқ муаммолар ҳам бундан мустасно эмас.

Оғишган хулқ (девиант, лот. Дивиатио – оғиши) деб, кишининг қилмишлари, фаолият тури одатий, умумеътироф этилган меъёрлардан фарқ қиласидиган ёки у ўзи аъзоси бўлган жамият томонидан қабул қилинган меъёрларга мос келмай, барқарор равишда уларнинг ижтимоий меъёрларидан оғишида намоён бўладиган ахлоққа айтилади. Психологияда девиант хулқ-атворнинг вужудга келиши ҳақида турли хил қараашлар ва ёндашувлар мавжуд. Ёндашувларнинг турли-туманлиги шахс хулқини оғишганлигини ташхис қилиш, уни олдини олиш ва ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш давомида аниқланган оғма хулқ-атвор билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш каби амалий вазифаларни ечишда ҳам кўзга ташланади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оғишнинг моҳиятини факат психологик омилларни таҳлил қилиш асосида тушунтириш мумкин эмас. Ҳозирги вақтда кўпчилик психологлар ва социологлар шахсий хусусиятлар ва унинг ҳаракатларининг мотивлари, эҳтимол, девиант хатти-харалатларнинг

---

барча турларига муҳим таъсир кўрсатишини тан олишади. Социологлар мазкур жараённи тушунтиришда одамларни девиант деб ҳисоблайдиган ижтимоий ва маданий омилларни ҳисобга олади.

Инсонда учрайдиган девиант хатти-харакатларни тадқиқ қилишда яна бир назария ўзига ҳос ўринни эгаллайди. Бу стигма назариясидир. Стигма (грек тилида стигма – доғ, тамға деган маънони англатади) – яъни, индивидни ёки хатто бутун ижтимоий гуруҳларни дискредитловчи (кимнингдир обрўсига ва ишончига путур етказиш, унинг қадр-қиммати ва обрўсини камситишга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлар) ижтимоий белги ҳисобланади. Бу ёндашувнинг асосчилари американлик социологлар Э.Лемерт ва Г.Беккерлар ҳисобланади. Бу назарияга кўра, девиант хулқ-автор унинг эгаси томонидан шахсий фикрига кўра жамиятда ушбу кўринишдаги бошқа аъзолар сингари хусусиятларга эгалиги кўринишида қабул қилинади. Инсонга девиант тамғаси (стигма) ёпиштириш амалга оширилади.

Соҳа мутахасислари психология фанида девиант хулқ-автор тушунчаси француз олими Эмил Дюргеймнинг (1858-1917) машаққатли меҳнати туфайли юзага келди деган фикрда яқдилларлар. Дюргеймни оғиш назариясининг асосчиси дея таъриф берадилар.

Экзистенсионал психология билан чамбарчас боғлиқ гуманистик назариялардан бири бу К.Роджерснинг (1902-1987) мижозга йўналтирилган психология назариясидир. Ушбу назарияда асосий ўрин “ўзлик” ва “ўзини фаоллаштириш” тушунчаларига ажратилган. Назарияга кўра, меъёрида ривожланиши учун шахс ўз фикрини ифода этиш тажрибасига эга бўлиши лозим. Аксинча, ўзи ҳақида ёлғон, ноҳақ ёки нотўғри тасавурлар, қарама-қарши тажриба, ўзини жорий этиш талаби ва ташқи баҳолаҳдан қармлик ўртасидаги ички можаро – буларнинг ҳаммаси муайян муаммоли хулқ-авторни келтириб чиқаради. Роджерс инсоннинг ўзи ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган, бузилган ғоялари, қарама-қарши тажриба ва ўз-ўзини англаш зарурати ва ташқи баҳоларга қарамлик ўртасидаги ички зиддият одамларнинг девиант хатти-харакатларининг асосий сабаблари деб ҳисоблаган. Шахсий ва хулқ-автор муаммоларини бартараф этиш учун К.Роджерс маҳсус шарт-шароитларни ташкил қилиш орқали актуализация (ўз-ўзини актуаллаштириш) жараёнини рағбатлантиришни таклиф қилган. Айни шу назария асосида мутахассислар “Шахс ва хулқ-автор муаммоларини ечиш учун маҳсус шароитлар яратиб, фаоллашиш жараёнини қўллаб қувватлаш зарурдир” деган фикри берадилар. [4]

Психоанализдан келиб чиқсан, психоаналитик ёндашувлар ва оқимлар ичида инсоннинг хулқ-атвори ва характерининг замонавий тушунчасига катта таъсир кўрсатган бир нечта назария мавжуд. Шахснинг хулқ-атворидаги четланишларни асослаш учун Адлер назарияси энг фойдали бўлиб чиқсан. Алфред Адлернинг (1878-1937) индивидуал психологияси оғма хулқ-атворда кўпгина шаклларнинг психологик сабабларини тушуниб англашга кўмаклашади. Ушбу назарияда асосан норасолик комплекси ва унинг шахс психиксига таъсири ёритилинган. Унга кўра, бузилган хулқ-атвор ҳолатида норасолик комплекси ноадекват ҳаётий йўриқмалар ва ривожланмаган ижтимоий ҳиссиёт билан бирлашади. Аномал шахсда устувор ҳаёт йўналиши бу устуворликка эришишга интилишdir. Бу ҳиссиёт шу даражада ривожланганки, жамоа ҳиссиётининг пайдо бўлиши ва ривожланишига катта тўсиқлик қиласи. Бундай инсон одамларни ўзининг шахсий манфаатларига етиш воситаси сифатида қабул қиласи, жамиятга душман кучи сифатида қарайди, бошқалар билан ҳамкорлик қилишни хоҳламайди ва қилмайди. Устуворлик ғояси бошқаларни бўйсундириш, камситиш ва дискредитация ҳаракатларига ундейди. Натижада шахснинг хулқ-атворини ва умуман ҳаёт йўлини аниқловчи, шахснинг мустаҳкам негатив қирралари шаклланади. Адлер девиант хулқ-атворнинг турли шаклларининг бошқа психологик сабабларини тавсифлайди. Унинг қарашларига кўра, индивидуаллик ривожланишини белгиловчи асосий омил асосий ҳаётий мақсад бўлиб, уни умуман бошқалардан устунликка эришиш мақсади сифатида белгилаш мумкин. Одатда, устунликка эришиш мақсадига эътибор бошқа одамлар билан ҳамкорликка эътибор қаратиш билан уйғун равишда бирлаштирилади. Шунга кўра, одамнинг нотўғри хатти-ҳаракатининг сабаби нотўғри ҳаётий муносабатларнинг мавжудлиги ёки ижтимоий ҳис-туйғуларнинг ривожланмаганлиги бўлиши мумкин. [3]

Бихевиоризм (хулқ-атвор психологияси) – мустақил йўналиш сифатида XX асрнинг бошида ажralиб чиқсан. Унинг асосланиши америкалик психологлар Э.Торндайк (1874-1958), Дж.Уоцон (1878-1958), Б.Скиннер (1904-1990) каби олимлар билан боғлиқ. Бихевиорал назария – инсон хулқ-атворининг принциплари ёки қонунларини тажрибалар асосида шархлайдиган катта ҳажмли назария ҳисобланади. Ушбу назария хулқ-атвор психологияси принципларини ва шартлаш қонунларини аниқлаш ва ундаги оғма хулқ турлари ҳақида фикр юритилинган. Бундан ташқари, мазкур назария стимул, реакцияга асослангандир. Дж.Уоцон фикрича, стимулларга орттирилмаган эмоционал жавобларнинг З тури мавжуд. Булар: қўрқиш (масалан, баланд овозга боланинг

туғма қўрқиши), жаҳл ва муҳаббат. Б.Ф.Скиннер (1904-1990) хулқ-автор психологияси ривожланишига алоҳида хисса қўшган, чунки у хулқ-авторга унинг оқибатлари катта таъсир ўтказишни аниқлаган. Классик бихевиоризм намоёндалари шахснинг атроф-муҳит билан ўзаро ҳамкорлик жараёни сифатида инсон хулқ-авторининг асосий меҳанизмлари ва принципларини тақдим этдилар. Биринчидан, бу – негатив қўллаб қувватлаш (бирор бир муҳим нарсани йўқотиш). Иккинчидан – эмоционал-негатив шартланиш (масалан, қўркувга асосланган жазолаш).

Психологик концепсияларнинг таҳлили туфайли биз яна бир бор шунга амин бўлдикки, биз ўрганаётган шахснинг оғма хулқ-автори қанчалик мураккаб ва хилма-хил. Оғма хулқ-автор маънавий муаммолар натижасида бўлиши ҳам мумкин, у шу билан бирга ички шахсий низолар ва ноадекват психологик ҳимоя билан ҳам, оиласвий дисфункция (фаолиятнинг бузилиши) натижаси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай экан, оғма хулқ-авторнинг тавсифини қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

- Маънавий муаммолар – ҳаёт мазмунининг йўқлиги ёки йўқотилиши, шаклланмаган маънавий қадриятлар, редуциялашган олий ҳиссиётлар (виждон, масъулият, ҳаққонийлик) ички бўшлиқ, ўзини қўрсата олишга тўсиқлик қилиш;
- Шахснинг мотивацион қадриятлар тизимида ўзгаришлар – девиант қадриятлар, вазиятга қараб эгосентрик йўналтириш, эҳтиёжлар фрустрацияси, ички низолар, психологик муҳофазанинг паст натижали механизмлари;
- Ўзини бошқариш муаммолари – мақсадлар қўйиши ва уларни бажариш қобилиятининг бузилиши, ноадекват ўзини баҳолаш, меъёрдан ортиқ ёки етарлича ўзини намоён қилиш, паст рефлексия, стрессни эгаллаб оловчи паст натижали механизмлар, паст адаптив имкониятлар, шахснинг позитив заҳираларининг топилмаслиги;
- Эмоционал муаммолар – хавотирланиш, депрессия, негатив эмоциялар, эмоцияларни билдириш ва тушуниш қийинчиликлари;
- Когнитив бузилишлар – дисфункционал фикрлар, фикрлаш стереотиплари, чегараланган билимлар, ноадекват ўргатишлар, бидъатлар;
- Негатив ҳаёт тажрибаси – салбий одатлар ва кўникмалар, девиант тажриба, ригид хулқ-автор стереотиплари, психик жароҳатлар, зўравонлик тажрибаси.

Оғма хулқ-автор вазиятида одатда санаб ўтилган муаммолардан бир нечтаси мавжуд бўлади. [5]

Тўпланган психологияк ва социологик маълумотларга қараганда, шахснинг оғма хулқ-атвори бу – ижтимоий хулқ-атворнинг мураккаб шакли бўлиб, ўзаро боғлиқ омиллар, шартлар ва психологик сабабларнинг детерминлашган тизимиdir. У ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий борлиқнинг элементи сифатида ҳаракат қиласи ва биз томондан жамият ривожланишининг маълум бир босқичида қабул қилинган энг муҳим меъёрлардан четга чиқадиган, жамиятга заарар етказадиган ёки шахснинг барқарор хатти-харакати сифатида тушунилади.

## **REFERENCES**

1. Хомич А.В.Психология девиантного поведение: Учебное пособиею – Ростов-на-Дону: Южно-Российский гуманитарный институт, 2006.
2. Змановская Е.В. Девиантология: Психология отклоняющегося поведения. Учеб. пособие для студ. высш. учеб.заведенийю – М.: Издательский центр «Академия», 2003.
3. Менделеевич В.Д. «Психология девиантного поведения». Учебное пособие для вузов. Речь. Санкт-петербург – 2005.
4. Назаров А. С. Psychological aspects of managerial decision making //Молодой ученый. – 2020. – №. 44. – С. 45-48.
5. Назаров А. С. Принятие управлеченческих решений как основная функция современного менеджера //Вопросы экономики и управления. – 2020. – №. 2. – С. 1-5.
6. Nazarov A. S. Psychological foundations of managerial decision-making //Молодой ученый. – 2021. – №. 3. – С. 46-48.
7. Назаров А. С. THE PSYCHOLOGY OF DECISION-MAKING STRATEGIES //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 1-7. – С. 79-82.
8. Назаров А. С. и др. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗРАБОТКИ И РЕАЛИЗАЦИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 2-9. – С. 31-35.
9. Назаров А. Scientific and methodological foundations of the influence of the social and psychological properties of the manager on managerial decisions //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 523-532.
10. Назаров А. Научно-методические основы влияния социально-психологических свойств руководителя на управлеченческие решения //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 523-532.

11. Назаров А. С., Митина О. В. ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ //Наука и мир. – 2020. – №. 12-1. – С. 73-75.
12. Тойирова Л. И., Абдуганиева Д. А. ИННОВАЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ: С УЧЕТОМ ВОЗРАСТНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ОБУЧАЮЩИХСЯ //Перспективные этапы развития научных исследований: теория и практика. – 2019. – С. 21-23.
13. Khamidovna K. Z. Professional orientation of communicative competence of students.[Электронный ресурс] //Режим доступа: <https://scientific-publication.com/images/PDF/2020/51/EUROPEAN-SCIENCE-2-51-II-A.pdf>(дата обращения: 23.09. 2020).
14. Касимова З. Х. ПРОЯВЛЕНИЯ МЕЖЛИЧНОСТНОЙ КОММУНИКАЦИИ В ЭПОХУ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ КУЛЬТУР //International scientific review. – 2020. – №. LXX.
15. Касимова З. Х. РАЗВИТИЕ ВАЖНЫХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ В ЛИЧНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЯ //International scientific review. – 2020. – №. LXXIV.
16. Касымова З. Х. ПОДГОТОВКА СПЕЦИАЛИСТА НОВОЙ ФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ СПОСОБОВ ОБУЧЕНИЯ //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в. – 2017. – С. 252-253.
17. Расулова Н. Т. ВАЖНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ЭТИКИ В ЛИЧНОСТИ УЧИТЕЛЯ //International scientific review. – 2020. – №. LXXIV.
18. Rasulova N. Psychological characteristics of surgeons in a state of occupational stress //Bridge to science: research works. – 2019. – С. 154.
19. Nilufar R., Jakhongir I. Psychological interpretation of managerial phenomenon in Islamic sources //Bridge to science: research works. – 2019. – С. 150-153.
20. Rustamovich A. M. The moral consciousness dynamics of students is the position in the process of high education //European journal of education and applied psychology. – 2016. – №. 1.
21. Arkamov M. R. THE ETHICAL AWARENESS BEHAVIOR OF STUDENTS DURING HIGHER EDUCATION (IN THE CONDITION OF UZBEKISTAN) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2016. – Т. 4. – №. 10.
22. Акрамов М. Р. ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ ПО ВА ЯСВИНУ //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – С. 117.